

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ МД – 5A220102 – 2.03
2016 йил “ 9 ” 01



ХАЛҚАРО БОСМА ВА ЭЛЕКТРОН ОАВНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ТАРАҚҚИЁТ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ
ФАН

ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 200 000 – Ижтимоий соҳа, ҳуқуқ ва иқтисод
Таълим соҳаси: 220 000 – Журналистика ва ахборот
Мутахассислик: 5A220102 – Халқаро журналистика (фаолият турлари
бўйича)
5A220101 – Журналистика (спорт журналистикаси)

ТОШКЕНТ — 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Мўминов Ф. – ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси профессори, ф.ф.д.

Мэтьякубов А. – ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.н.

Такризчилар:

Маматова Ё. – ЎзМУ журналистика факультети матбуот кафедрасининг мудири. ф.ф.д., доцент

Қўшмонов Б. – ЎзМТРК “Madaniyat va ma’rifat” телеканали бош муҳаррири

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

“Халқаро босма ва электрон ОАВнинг замонавий тараққиёт тенденциялари” фани халқаро журналистика бўйича магистратура ўқув режасига кирган ихтисослик фанлардан ҳисобланади. Мазкур курснинг маъруза ва семинар машғулотлари ривожланган демократик давлатлар ҳамда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг замонавий тадқиқотлари асосида тузилган бўлиб, халқаро ОАВда руй бераётган ўзгаришлар, тамойиллар ва тенденцияларнинг моҳият ва мазмуни нималардан иборат эканлиги ҳақида тушунча беради. Шунингдек, халқаро ОАВ эволюцияси, тараққиётнинг асосий босқичлари, газеталарнинг жамоатчилик нуқтаи назари ва фикрларини ифода этувчи воситага айлангани, журналистиканинг тарихий типлари ва назариялари, электрон ОАВнинг пайдо бўлиши, ОАВнинг “тўртинчи ҳокимият” сифатидаги назарияси ва амалиёти, ахборот агентликлари ва уларнинг вазифалари, ишлаш методлари, таснифи, янги коммуникация тартибининг ўрнатилиши ҳақида ҳам тушунчалар беради.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда халқаро босма ва электрон ОАВнинг замонавий тараққиёт тенденциялари, журналистиканинг замонавий назариялари, “сарик матбуот”нинг илдизлари, таблоид нашр шакларининг тараққиёти, электрон ОАВнинг пайдо бўлиши, йирик ТВ ва РВ компаниялар, йирик ОАВ концернлари, медиумагнатлар, Интернет ва ТМК (трансмиллий корпорациялар), ахборот агентликлари ва уларни молиялаштириш йўллари ҳақида фикр қила олиш ҳамда мантиқий муҳокама қилиш кўникмаси ва малакасини шакллантиришдир.

Фаннинг вазифаси – талабаларда халқаро босма ва электрон ОАВнинг замонавий тараққиёт тенденциялари, “сарик матбуот”нинг илдизлари, пенни-пресс, таблоид нашр шакларининг тараққиёти, электрон ОАВнинг пайдо бўлиши, йирик нашриётлар, йирик матбуот концернлари, ахборот агентликлари ва уларни молиялаштириш йўллари, медиарежалаштириш, матбуот индустриясининг ривожланиш босқичлари, радио-, телеиндустриянинг даромад манбалари, замонавий медиабозорда тижорий ва жамоатчилик телевидениеси, infotainment, warteinment, businessteinment тушунчалари, социал тармоқлар, блоглар, фуқаролик журналистикаси каби тушунчалар моҳиятига етиш, жамоатчилик эшиттиришлари принциплари, замонавий радиоэшиттириш форматлари ҳақида тасаввур уйғотишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Халқаро босма ва электрон ОАВнинг замонавий тараққиёт тенденциялари” фанини ўзлаштириш жараёнида магистр:

- ОАВ эволюцияси, тараққиётининг асосий босқичлари ҳақида, биринчи матбаа нашрлари, газеталарнинг жамоатчилик нуқтаи назари ва фикрларини ифода этувчи воситага айлангани ҳақида;
- журналистиканинг тарихий типлари, электрон ОАВнинг пайдо бўлиши, ОАВнинг “тўртинчи ҳокимият” сифатидаги назарияси ва амалиёти, ахборот агентликлари ва уларнинг вазифалари, ишлаш методлари, таснифи, янги коммуникация тартибининг ўрнатилиши ҳақида;
- ривожланган мамлакат нашрларининг кўринишлари, “сарик матбуот”нинг илдизлари ҳақида, таблоид нашр шакларининг тараққиёти, электрон ОАВнинг пайдо бўлиши, йирик нашриётлар, матбуот концернлар ҳақида, ахборот агентликлари ва уларни молиялаштириш йўллари ҳақида;
- тараққий этган мамлакатлар матбуотининг тараққиёти босқичлари ҳақида, XX аср бошларида матбуотнинг “сифатли” ва “оммавий” каби турларга фарқланиши ҳақида, газета, журнал бозорининг шаклланиши, нашриёт монополиялари ҳақида, телерадионинг тикланиши ва тараққиёти ҳақида, ахборот агентликлари, газеталарнинг сиёсий йўналишлари ҳақида;
- Япония, Хитой, Испания, Исроил, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Покистондаги сифатли умуммиллий газеталар, ихтисослашган матбуот, сиёсий партиялар матбуотлари, ахборот агентликлари ҳақида;
- кундалик матбуотининг тараққиётига диннинг таъсири, Араб мамлакатлари, Жанубий-Шарқий Осиё матбуоти, Африка, Австралия минтақалари ОАВ тараққиёти, Шарқий Европа ва Лотин Америкаси мамлакатларидаги янги ахборот тартиби ҳақида;
- МДҲ мамлакатлари журналистикаси эволюцияси ҳақида ***тасаввурга эга бўлиши;***
- ОАВ эволюцияси ва тараққиётининг асосий босқичларини, биринчи матбаа нашрлари, газеталарнинг жамоатчилик нуқтаи назари ва фикрларини ифода этувчи воситага айланганини; журналистиканинг тарихий типлари, электрон ОАВнинг пайдо бўлиши, ОАВнинг «тўртинчи ҳокимият» сифатидаги назарияси ва амалиёти, ахборот агентликлари ва уларнинг вазифалари, ишлаш методлари, таснифи, янги коммуникация тартибининг ўрнатилишини;
- ривожланган мамлакатлар матбуотининг кўринишлари, “сарик матбуот”нинг илдизларини, нашр таблоид шакларининг тараққиёти, электрон ОАВнинг пайдо бўлиши, йирик нашриётлар, матбуот концернларни, ахборот агентликлари ва уларни молиялаштириш йўлларини;
- матбуотнинг тараққиёт босқичларини, XX аср бошларида матбуотнинг “сифатли” ва “оммавий” каби турларга фарқланишини, газета, журнал бозорининг шаклланиши, нашриёт монополияларини, телерадионинг тикланиши ва тараққиётини, ахборот агентликлари, газеталарнинг сиёсий йўналишларини;
- Япония, Хитой, Испания, Исроил, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Покистондаги сифатли умуммиллий газеталар, ихтисослашган матбуот,

сиёсий партиялар матбуотларини, телерадионинг пайдо бўлиши ва тараққиёт тенденцияларини, ахборот агентликларини;

· МДХ мамлакатлари журналистикаси эволюциясини **билиши ва ва улардан фойдалана олиши;**

· ОАВ эволюциясини, тараққиётининг асосий босқичларини, биринчи матбаа нашрлари, газеталарнинг жамоатчилик нуқтаи назари ва фикрларини ифода этувчи воситага айланганини таҳлил этиш; журналистиканинг тарихий типлари, электрон ОАВнинг пайдо бўлиши, ОАВнинг «тўртинчи ҳокимият» сифатидаги назарияси ва амалиёти, ахборот агентликлари ва уларнинг вазифалари, ишлаш методлари, таснифини, янги коммуникация тартибининг ўрнатилишини таҳлил эта олиш **кўникмаларига эга бўлиши;**

· ривожланган мамлакатлар матбуотининг кўринишлари, “сарик матбуот”нинг илдизларини, нашр таблоид шакларининг тараққиёти, электрон ОАВнинг пайдо бўлиши, йирик нашриётлар, ТВ ва РВ концернларни, АҚШ ахборот агентликлари ва уларни молиялаштириш;

· матбуотининг “сифатли” ва “оммавий” каби турларга фарқланишини, газета, журнал бозорининг шаклланиши, нашриёт монополияларини, телерадионинг тикланиши ва тараққиётини, ахборот агентликлари, газеталарнинг сиёсий йўналишларини таҳлил ва тадқиқ қилиши;

· Япония, Хитой, Испания, Исроил, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Покистондаги сифатли умумиллий газеталар, ихтисослашган матбуот, сиёсий партиялар матбуотларини, ахборот агентликларини таҳлил қила билиши;

· жамиятда ОАВ ва ОКВнинг роли, оммавий ахборот воситаларининг социал функциялари, уларнинг фаолияти механизмлари ва принциплари, типология, аудитория, контент, самарадорлик муаммолари, хорижий ва миллий медиаконцепцияларининг ривожланиш тенденциялари таҳлил этиш ва фойдаланиш **малакаларига эга бўлиши керак.**

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Ўқитиш жараёнида илк босқичдан бошлаб, талабаларни халқаро ОАВнинг замонавий тамойилларига ўргатиб бориш ижобий натижалар беради. Чунки, талабаларнинг келажакдаги касбий фаолиятида катта назарий ва амалий кўникмаларига эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Аудитория дарсларида техник воситалардан кенг фойдаланиш, яъни назарий билимлар билан бир қаторда таҳлил қила олиш маҳоратини эгаллаш юксак малакавий натижаларга олиб келади. Ушбу дарсларда замонавий ўқув технологияларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Халқаро босма ва электрон ОАВ нинг замонавий тараққиёт тенденциялари” фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ эмас. Оммавий ахборот воситалари, хусусан жаҳон замонавий ОАВда кечаётган жараёнлар - тенденциялар ва тамойиллар билан чамбарчас боғланган ҳолда тараққий этиб келмоқда. Шунинг учун ҳам халқаро босма ва электрон ОАВнинг замонавий тараққиёт тенденциялари фанига алоҳида талаблар қуйилади. Мазкур фан асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, ишлаб чиқариш, яъни ОАВ тизимининг ажралмас бўғинидир.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг “Халқаро босма ва электрон ОАВнинг замонавий тараққиёт тенденциялари” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги инфор­мацион-педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар намуналаридан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларда мос равишдаги илғор педагогик технологиялар қўлланилади.

Мазкур дастурнинг ўзлаштирилиши замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнида тўғри ва самарали татбиқ қила олиш билан белгиланади. Ушбу мақсадда дарсларда “ақлий ҳужум”, “дебатлар”, “инсценировка”, “жумбоқ”, “матбуот конференцияси”, “брифинг” каби интерактив-инновацион технологиялар, ахборот олишнинг турли йўллари(расмий ва норасмий) жамоа бўлиб ишлаш, таҳлил, тадқиқот, манбаларни қиёслаш, мантиқий мулоҳаза каби методлардан фойдаланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Журналистика ва телекоммуникация тараққиёти тамойиллари

ОАВ эволюцияси, тараққиётининг асосий босқичлари, биринчи ахборот босма варақалари, реляциялари, ведомостлар, биринчи матбаа нашрлари, газеталарнинг жамоатчилик нуқтаи назари ва фикрларини ифода этувчи воситага айлангани; журналистиканинг тарихий типлари, электрон ОАВнинг пайдо бўлиши, ОАВнинг «тўртинчи ҳокимият» сифатидаги назарияси ва амалиёти, ахборот агентликлари ва уларнинг вазифалари, ишлаш методлари, таснифи, янги коммуникация тартибининг ўрнатилиши.

Замонавий АҚШ ОАВ тараққиётининг хусусиятлари

Илк америка матбуотининг пайдо бўлиши, биринчи нашрларнинг кўринишлари, “сарик матбуот”нинг илдизлари, нашр таблоид шакларининг тараққиёти, электрон ОАВнинг пайдо бўлиши, йирик нашриётлар, ТВ ва РВ концернлар, АҚШ ахборот агентликлари ва уларни молиялаштириш йўллари.

Америка ОАВ фаолиятида тижори йлашув хусусиятлари. Миллий, регионал ва маҳаллий газеталар тизими. Сифатли (“Уолл стрит джорнал” ва б.) ва оммавий (“Уикли уорлд ньюс” ва б.) нашрлар.

Америка журналлари типологияси. Иллюстратив ҳафталиклар («Пипл», «Тайм», «Ньюсуик» ва б.) ва уларнинг АҚШ, хорижий мамлакатлар медиасаноатига таъсири. XX аср охири XXI аср бошида Америка матбуотининг ривожланиш тенденциялари. Ихтисослашган нашрлар. Даврий матбуотнинг янги кўринишлари.

Америка телерадиоэшиттириш тизими. Умуммиллий тижорий тармоқлар (ABC, NBC, CBS), кабель ва сунъий йўлдош телевидениеси. Жамоатчилик телерадиоэшиттиришлари (PBS, NPR): вазифалари, функциялари ва молиялаштириш манбалари.

ОАВ концентрациялашуви: журналистика ва демократия учун унинг салбий ва ижобий томонлари. Йирик трансчегаравий медиакорпорациялар («AOL–Time Warner», «News Corporation» ва б.) ва уларнинг дунё, Америка сиёсий ҳаётига таъсири. ОАВ бозорида Р.Мёрдок фаолияти кўлами.

XXI аср бошида Англия ОАВ идаги инқироз

Англия матбуотининг тараққиёти босқичлари, XX аср бошларида матбуотнинг “сифатли” ва “оммавий” каби турларга фаркланиши, газета, журнал бозорининг шаклланиши, нашриёт монополиялари ҳақида, телерадионинг тикланиши ва тараққиёти, ахборот агентликлари, Буюк Британия газеталарининг сиёсий йўналишлари. 2001 йил 11 сентябр воқеаларининг Англия ОАВига таъсири ҳамда уларнинг кескин тарзда қисқариб кетиши. Халқаро иқтисодий инқирознинг реклама бозорига ҳам таъсир этгани.

Буюк Британиянинг замонавий матбуоти тизими. Инглиз матбуотининг ривожланиш тенденциялари. The Guardian, The Times, The Independent The Daily Telegraph, Financial Times нашрлари фаолияти: электрон версиялари, веб-сайтлари фаолияти. Замонавий оммавий нашрлар. Регионал нашрлар.

1970-2000 йилларда пресс-концернлар ўртасидаги кураш, газета магнатлари ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро муносабат. Дунё ва Буюк Британияда Р.Мердок фаолияти.

Энг йирик сифатли ва оммавий нашрлар. Даврий журналларнинг ўзига хослиги. Матбуот ва реклама. Ноширлик корхоналарининг техник қайта таъмирланиши.

Британия телерадиоэшиттиришлари тизими: қоришиқ моделнинг ўзига хослиги. ВВС компаниясининг тижорий каналлар(ITV ва б.) билан рақобатининг ўзига хослиги. Эфир, кабель ва сунъий йўлдош телевидениеси. Эшиттиришларнинг давлат ва жамоатчилик назорати. ВВСнинг бошқарилиш тамойиллари. ВВСнинг этика кодексининг тахририят сиёсатига таъсири.

Британия ахборот агентликлари(Рейтер, Экстел ва б.)

Франция ОАВ ва маҳаллий матбуот тараққиёти масалалари

Франция кундалик матбуотининг пайдо бўлиши ватараққиётбосқичлари. XX асрнинг 1-ярмидаги Француз журналистикаси, Қаршилик даври матбуоти, урушдан кейинги матбуот бозорининг тақсимланиши, газета – нашриёт монополиялари ҳақида, Франция ОАВ аудио-видео кўринишлари. Францияда марказий матбуот билан бир қаторда маҳаллий матбуот ҳам тараққий этгани ва уларнинг аудитория учун муҳимлиги. Тайм Уорнер концернинингпайдо бўлиши кўплаб телекоммуникация корпорациялари ва ахборот империяларининг бирлашишига олиб келганлиги. Француз медиамагнати Месьенинг жаҳон медиабозорида пайдо бўлиши. Унинг «Вивенди» трансмиллий концернини тузиб, Америка худудига ҳам кириб борганлиги ва кўплаб Америка ҳамда Европалик медиамагнатларни ортда қолдиргани ҳамда Холливуднинг йирик «Юниверсал» фабрикасинисотиболгани.

1960-90 йилларда француз матбуотининг ҳуқуқий ҳолати. 1954-1962 йилларда Жазоирдаги уруш даврида матбуот. Журналлар тараққиёти. Католик матбуотининг аҳволи. Ижтимоий-адабий нашрлар.

Кундалик нашрлар инқирози сабаблари. Матбуотнинг янги шарт-шароитга кўникиши. 70-90-йилларда пойтахт ва регион газеталари ўртасида рекламадан тушган маблағларнинг бўлиниши. “Монд” кундалик француз газеталарининг янги модели. Технологиялар соҳасида янги жараёнлар. Даврий матбуотни қўллаб-қувватлашда давлат аралашуви. Н.Саркозининг телерадиоэшиттиришлар соҳасидаги ислохотлари.

Франциянинг йирик медиаконгломератлари(“Ашетт”, Р.Эрсан гуруҳи ва б.). ОАВ соҳасида давлат сиёсати. Даврий матбуотнинг қўллаб-қувватлаш усуллари, ОАВни монополлашувини чегаралаш.

XX аср иккинчи ярми- XXI асрда француз телерадиоэшиттиришлари ривожини. Номарказлашувнинг асосий босқичлари, ОАВни монополия ва давлат тасарруфидан чиқариш. Хусусий телевидение ривожини. Дастурлар мазмуни: бозор эҳтиёжлари ва миллий-маданий ўзига хослик.

Германия ОАВининг ривожланиши

Германия матбуоти пайдо бўлишининг ўзига хос хусусиятлари, биринчи ва иккинчи жаҳон уруши давридаги Германия журналистикаси, 50-йилларда немис матбуотининг йириклашуви, Германияда аудио ва видео

журналистикаси тараққиёти, “Берлин девори” даври журналистикаси, икки Германиянинг қўшилишидан кейинги ОАВнинг янги ҳолати.

Кирх немис корпорациясининг ғарбий европа мамлакатлари Испания ва Италия медиабозоридан немис ҳамда бошқа европалик рақибларини сиқиб чиқаргани ҳамда ўз позициясини мустахкамлаб бораётгани.

Кирхнинг ушбу муваффақиятли силжишлари Нью-Йоркдаги террорчилик портлашлари туфайли юзага келган иқтисодий талатўплардан кейин тўхтаб қолгани. Бундан ташқари, юксак технологиялар соҳасидаги катта ўзгаришлар ҳам 2002 йилнинг иккинчи ярмида Кирх ва Месьеларнинг концернлари ахборот-коммуникация доирасидан йўқолишига сабаб бўлгани. Ушбу иқтисодий зарба тагида йирик медиа империялар ҳам йўқолиб кетгани ҳақида.

Италия ОАВи ривожланиш босқичлар асослари

Италия матбуоти тарихи ва амалиёти, йирик Италия нашриётлари ва теле-радио тармоқлари, Ватикан матботи. Онлайн ОАВда газета ва журналларнинг қоғоз босмалари эвазига бозорда тенглашиш жараёни кетмоқда. У иқтисодий, технологик ва функционал тўсиқларга дуч келмоқда: технология аудитория эҳтиёжидан ҳам илгарилаб кетган, Интернетдан фарқли улароқ рақамли ОАВни “хонакилаштириш” жараёни тингловчи ва телетомашибинлар қизиқишлари билан тўқнаш келаётгани ҳақида.

Иккинчи жағҳон урушидан сўнг италиян матбуотининг трансформацияси. Антифашистик партиялар нашрлари. Журналистиканинг нофашистлаштириш жараёни.

Жамият ҳаётида католик черковининг ўрни. Ватикан соборининг журналистика ривожига таъсири. 1950-80 йилларда кундалик нашрлар ҳолати. Партия ва оқшом матбуоти инқирозининг сабаблари. “Република”(1976) газетасидаги новациялар. Италия журналистикасидаги корпоративлик принципи. ОАВнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши.

1960-1990 йилларда Италия телерадиоэшиттиришлари ривожиди. Давлат ва хусусий каналлар. Риццоли ва Берлусконининг хусусий телевидение тараққиётидаги фаолияти. Берлускони эволюцияси: тадбиркордан то медиамагнатгача босиб ўтилган йўл. Гаспарри қонуни. ОАВ концентрацияси жараёни. Италия ахборот агентликлари.

Биринчи Япон (17 аср) газеталари

19 асрга келиб Японияга Европа кундалик матбуотларининг кириб келиши, илк ҳақиқий миллий газетанинг чоп этилиши, сифатли умумиллий газеталар, ихтисослашган матбуот, сиёсий партиялар матбуотлари, Япония телевидиниеси ва радиоси, ахборот агентликлари. Япония Конституциясида матбуот ва сўз эркинлигининг кафолатланиши. ОАВининг цензурадан холилиги Япония ОАВининг муҳим принципларидан бири сифатида. “Узатув тўғрисида”ги Қонуннинг моҳияти ва ундаги

Ўзгаришларнинг тадрижий шаклланиши. Телевидение ва радиоэшиттиришлар учун Кодексларнинг қабул қилиниши ва уларнинг вазифаси.

“Япония газета нашриёти ва редакторлар ассоциацияси”нинг фаолияти ва унинг томонидан матбуотда сўз эркинлигини ҳуқуқий назорат қилиш.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Япония матбуоти. Давлатнинг демократлашуви ва милитаризациясизлашуви. Иқтисодий ислохотлар.

Япония босма ОАВ типологияси. Миллий (“Асахи”, “Йомури” ва б.), префектура ва маҳаллий газеталар. Журналларнинг асосий хусусиятлари. Японияда ғарб нашрларининг тарқалиши.

Япония Конституциясида матбуот ва сўз эркинлигининг кафолатланиши. ОАВнинг цензурадан холилиги Япония ОАВнинг муҳим принципларидан бири сифатида. “Узатув тўғрисида”ги Қонуннинг моҳияти ва ундаги ўзгаришларнинг тадрижий шаклланиши. Телевидение ва радиоэшиттиришлар учун Кодексларнинг қабул қилиниши ва уларнинг вазифаси.

Япония қонунчилигида миллий ОАВни хорижий мамлакат мафкуралар таъсиридан сақлаш тўғрисида ҳужжатнинг қабул қилиниши. Япония матбуотида сиёсий шахсларни попарация қилишнинг ҳуқуқий кафолатланиши. “Япония газета нашриёти ва редакторлар ассоциацияси”нинг фаолияти ва унинг томонидан матбуотда сўз эркинлигини ҳуқуқий назорат қилиш.

Япония телерадиоэшиттиришлари тизими: жамоатчилик (NHK) ва хусусий сектор (NTV, TBS и др.) каналлари. Реклама даромадларининг тарқатилиши, асосий жанрлар ва япония телевидениесининг миллий ранг-баранглиги. Тижорий телерадиоэшиттиришларининг ҳудудлар бўйича бўлиниши. Телевизион каналлар ва миллий газеталарнинг ўзаро ҳамкорлиги принциплари.

Репортёрларнинг норасмий Киши клуби: келиб чиқиши, функциялари ва мақсадлари. Кишига Ғарб журналистик ташкилотлари муносабати.

Замонавий Япония йирик медиахолдинглари. Япон ОАВда глобаллашув тенденцияларини Япония ахборот агентликоари. 2011 йилги zilзилага Япония ОАВ реакцияси.

Осиё мамлакатлари ОАВ лари тараққиёти

Хитойнинг биринчи расмий газеталари, 19 асрда Хитойда биринчи Европа типдаги газеталарнинг пайдо бўлиши, ХХРнинг ташкил топиши ва янги ОАВ тизимининг тараққиёти, ахборот агентликлари, Хитой теле ва радио эволюцияси. Исроил, Туркия, Ҳиндистон журналистикаси, Эрон, Афғонистон, Покистон кундалик матбуотининг тараққиётига диннинг таъсири, Араб мамлакатлари, Жанубий-Шарқий Осиё матбуоти.

Бангладеш, Покистон ва б. Осиё мамлакатлари журналистикаси ривожини.

Ҳиндихитой давлатлари журналистикаси тараққиёти. “Ривожланиш журналистикаси” концепцияси. Журналистлар та телерадио фаолиятига диний ва маҳаллий маданий урф-одатлар таъсири. Индонезия, Бирма ва Тайландда журналистларнинг ижтимоий мақоми ва ҳуқуқий ҳолати.

Шимолий ва Жанубий Корея: ОАВ ўзаро қарама-қаршилиги. Шимолий Корея пропагандасининг ўзига хослиги. Антиамериканизм ғоялари. Чучхе мафкуриси ва изоляциялаш сиёсатию даврий нашрлар тизими. «Нодон синмун».

Африка ва Лотин Америкаси ОАВ тараққиёти тенденциялари

Африка ва Лотин Америкаси кундалик матбуотининг тараққиётига колониал сиёсатнинг таъсири, ушбу минтақалари ОАВ идаги янги ахборот тартибининг жорий этилиши. Ушбу қитъа ОАВининг ривожланиш истиқболлари ва ҳамкорлик тамойилларининг ҳуқуқий кафолатлари. ЖАР, Марокко, Жазоир, Аргентина, Бразилия мамлакатлари ОАВининг замонавий таркибий тузилиши. Мазкур қитъаларда сўз эркинлигининг таъминланиши.

Туркия ва Исроил ОАВ либерал моделлари

Минтақадаги йирик нашрлар («Аль-Ахрам»(Миср), «Эль-Муджахид»(Жазоир) ва б.).

Араб мамлакатлари телерадиоэшиттиришларига Европа мамлакатларининг технологик таъсири. Минтақадаги йирик телерадиокомпаниялар (РТА (Жазоир), РТМ (Марокко) ва б.). Сунъий йўлдош каналлари ривож: Ал-Жазира ва Ал-Арабия каналларининг ахборий-тарғибот фаолияти, уларнинг Ғарб ОАВ билан ўзаро ахборот уруши.

Глобаллашув ва цивилизация маданиятлар тўқнашуви даврида араб журналистикасининг жаҳон ахборот майдонидаги ўрни.

Африка мамлакатлари журналистикасининг колониал даврда пайд бўлишининг ўзига хосликлари. XX аср иккинчи ярмида Шарқ ва Ғарб ўртасидаги курашда Африка мамлакатлари. 1990-йилларда ижтимоий ҳаётнинг демократлашуви ва либераллашуви. Сомали, Эфиопия ва б. Мамлакатларда сиёсий беқарорлик. ЖАР ОАВ тизими-қитъадаги энг илғор ОАВ тизимидир. Апартеид режимига қарши ЖАР ОАВ ислохотлари. Этник қарама-қаршиликларни ёритишда ОАВнинг роли. Саводсизлик муаммоси.

“Қора” Африка мамлакатларида телерадиоэшиттиришлар ривож. Африка мамлакатлари йирик телерадиокомпаниялари (НТА (Нигерия), GBC (Гана), LCN (Либерия), KBC (Кения) ва б.). Радионинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги ўрни. Сиёсий пропаганда мақсадида радиодан фойдаланиш(Судан, Зимбабве), миллий қарама-қаршилиқни келтириб чиқаришда ОАВдан қурол сифатида фойдаланиш (Руанда).

Ҳозирги замон Россия ОАВи

Россия ОАВи тараққиётининг тарихий илдизлари. ОАВи эркинлиги - ҳуқуқий давлатдаги ОАВи фаолиятининг асосий тамойили сифатида. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг моҳияти, унинг халқаро ва конституциявий меъёрлар билан уйғунлиги. Миллий қонунчиликда инсон ҳуқуқларининг халқаро меъёрлари билан боғланганлиги. Россия Федерациясининг “Давлат оммавий ахборот воситаларида ҳокимият органлари фаолиятининг ёритилиши тартиблари тўғрисида”ги Қонунининг аҳамияти.

Тухмат қилмаслик, шахсий ҳаётга аралашмаслик, давлат, фуқаролар сирларини ошкор этмаслик, давлат органлари ва мансабдор шахслар шаънини камситмаслик юзасидан журналистларнинг бурчлари.

Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

- ХХ1 аср бошидаги жаҳон журналистикасидаги тараққиёт тамойиллари билан танишиб чиқиш.
- Худудий матбуоти ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиб чиқиш.
- ОАВга қарз бериш тизимини тушунтириб бериш.
- Англия ОАВидаги инқирозни тадқиқ этиш.
- Замонавий АҚШ ОАВ тараққиётининг хусусиятларини таҳлил этиш.
- Германия ОАВининг ривожланиш тамойилларини таҳлил этиш;
- Шарқий Европада партиявий нашрлар тараққиёти.
- Он-лайн нашрлар тараққиёти.
- Япония ОАВ тараққиётини ўрганиш.
- Осиё мамлакатлари ОАВ лари тараққиётини манбалар асосида тадқиқ этиш
- Африка ва Лотин Америкаси ОАВ и тараққиёти тенденцияларини матбуот материаллари орқали ўрганиш.
- Ҳозирги замон Россия ОАВини таҳлил этиш.
- МДХ мамлакатлари ОАВ тараққиётининг ўзига хосликлари

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Курс ишининг таркиби: аниқ танланган мавзу юзасидан ҳар бир талабага алоҳида топшириқ берилади. Курс иши кириш, асосий қисм, мавзу юзасидан хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлади.

Курс ишларининг мавзулар йўналиши:

- а) Худудий матбуоти ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари;

- б) Шарқий Европада партиявий нашрлар таракқиёти;
- в) Замонавий ОАВ таракқиётининг хусусиятлари;
- г) Африка ва Лотин Америкаси ОАВи таракқиёти тенденцияларини матбуот материаллари орқали ўрганиш;
- д) Ҳозирги замон Россия ОАВини таҳлил этиш;
- е) МДХ мамлакатлари ОАВ таракқиётининг ўзига хосликлари;

Курс ишининг мақсади: талабаларнинг мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантириш, олган назарий билимларини амалда қўллаш орқали журналистика назарияси ва амалиёти меъёрларига амалда риоя этиш юзасидан кўникмалар ҳосил қилишдир.

Курс иши мазмуни: танланган мавзуни ўзида тугал акс эттириши ва у ҳақда муайян тасаввур бериши лозим. Курс ишининг объекти сифатида турли давлатлар ахборот бозори, оммавий ахборот воситалари, тахририятлари ташкил қилади.

Курс ишининг ҳажми ва расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар: курс иши 20–25 бетдан иборат бўлиб, ҳар бир бетда 28 қатор, ҳар бир қатор 65–66 белгидан кам бўлмаслиги, қатор оралиғи 1,5 интервал бўлиши талаб этилади.

Курс ишларининг намунавий мавзулари

XXI аср бошидаги жаҳон журналистикасидаги таракқиёт тамойиллари билан танишиб чиқиш.

Худудий матбуоти ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиб чиқиш.

ОАВга қарз бериш тизимини тушунтириб бериш.

Англия ОАВидаги инқирозни тадқиқ этиш.

Замонавий АҚШ ОАВ таракқиётининг хусусиятларини таҳлил этиш.

Германия ОАВининг ривожланиш тамойилларини таҳлил этиш;

Шарқий Европада партиявий нашрлар таракқиёти.

Он-лайн нашрлар таракқиёти.

Япония ОАВ таракқиётини ўрганиш.

Осиё мамлакатлари ОАВ лари таракқиётини манбалар асосида тадқиқ этиш

Африка ва Лотин Америкаси ОАВ и таракқиёти тенденцияларини матбуот материаллари орқали ўрганиш.

Ҳозирги замон Россия ОАВини таҳлил этиш.

МДХ мамлакатлари ОАВ таракқиётининг ўзига хосликлари

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

1. Тавсия этилган адабиётларни ўқиш. АҚШдаги 2001 йил 11 сентябрь воқеаларининг ОАВига таъсирини ўрганиш, худудий матбуоти ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланган демократик мамлакатлар ОАВда маҳаллий хабарларнинг етакчилик қилишини таҳлил

этиш. Бепул матбуот ва унинг тараққиётини, партия ва тармок газеталарининг инқирозга юз тутиши ва Шимолий Европада бепул матбуот тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб бериш.

2. Он-лайн матбуот ва Интернет веб-сайтлари билан танишиш. Ахборот глобаллашуви ва матбуот мавзусини илмий асарлар ёрдамида тадқиқ этиш. Матбуотнинг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги роли. Шарқий Европа матбуотига бозор муносабатларининг таъсири. Африка ОАВ тизими. XX1 аср Америка матбуотининг тараққиёт тенденциялари. Ғарб мамлакатлари журналистикасида этика масалаларининг ўрни ва аҳамияти ҳақидаги дарслик ва қўлланмаларни топиб ўқиш.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

- 1) Худудий матбуоти ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиб чиқиш. (ихтиёрий мамлакат ОАВ мисолида).
- 2) ОАВга қарз бериш тизимини тушунтириб бериш (ихтиёрий мамлакат ОАВ мисолида).
- 3) Англия ОАВдаги инқирозни тадқиқ этиш Жаҳон етакчи журналлари муваффақияти омиллари.
- 4) Замонавий АҚШ ОАВ тараққиётининг хусусиятларини таҳлил этиш.
- 5) Япония ОАВ тараққиётини ўрганиш.
- 6) Медиа магнатлари (ихтиёрий мамлакат ОАВ мисолида)
- 7) Ўзбекистонда медиа-бизнеснинг шаклланиши (маҳаллий медиа-корпорациялар мисолида).

Дастурнинг информация – услубий таъминоти

Мазкур дастурнинг ўзлаштирилиши замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнида тўғри ва самарали татбиқ қила олиш билан белгиланади. Ушбу мақсадда дарсларда “Ақлий ҳужум”, “Дебатлар”, “Инцинировка”, “Жумбоқ”, “Матбуот конференцияси”, “Брифинг” каби интерактив-инновацион технологиялар ҳамда ахборот олишнинг турли йўллари (расмий ва норасмий) жамоа бўлиб ишлаш, таҳлил, тадқиқот, манбаларни қиёслаш, мантиқий мушоҳада каби методлардан фойдаланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Мўминов Ф.А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. - Т., 1998.
2. Ворошилов В.В. Журналистика. Учебник. СПб.: Изд. Михалова, 1999.
3. Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. Учебник. М.: Изд. Московского университета. 2005
4. Ким М.Н. Новостная журналистика. Учебник. Спб., 2003. 347 с.
5. Vivial, John. The Media of Mass Communacation – 5th ed. Winona State University, 1999, p.403

Қўшимча адабиётлар:

1. Нестеренко Ф.П., Эрназаров К.Т., Маматова Я.М. Труд журналиста: профессионализм, творчество, мастерство. Учебное пособие. –Т., 2002.
2. Раҳматов Н. Мен редакцияданман. –Т., 1985.
3. Умаров А. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тарақиёт. –Т., “Фан”, 2004.
4. Профессионал маҳорат сари тўрт қадам. (Журналистлар учун ўқув кўлланма). –Т., 2002.
5. Мельник Г.С., Тепляшина А.Н. Основы творческой деятельности журналиста. -СПб.: Питер, 2006. – 272 с.
6. Саидов Ҳ. Янгиликлар ёзиш ва таҳрир санъати. Т.: «Маърифат-мададкор», 2002. - 56 б.
7. Alfred Lawrence Lowrenz, John Vivian. News Reportig and Writing. USA: Allyn and Becon, 1996.-616 p.

Интернет сайтлари:

1. vitaweb.jino-net.ru.
2. www.journalism.ru
3. www.mediasprut.ru
4. www.telemultimedia.ru
5. <http://www.medialaw.ru>
6. <http://www.internetworldstats.com>
7. <http://www.cjr.org>

